

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ БАРҚАРОРЛИК РЕЙТИНГИНИНГ ЯРАТИЛИШИ

Асос: Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан
2023 йилдаги очиқ мулоқотида белгиланган вазифалар



Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини шакллантириш бўйича очиқ-ошкора **23 та мезонлар** асосида белгилаш электрон платформа орқали амалга оширилади.



Мезонлар асосида шакллантириладиган 100 баллик баҳолаш тизимидан келиб чиққан ҳолда **юқори, ўрта, қониқарли ва қуйи** рейтинг кўрсаткичлари белгиланади.



Эндиликда тадбиркорлик субъектлари учун қўллаб-қувватлаш чоралари яъни **субсидия, имтиёз ва бошқа енгиллик ҳамда преференциялар рейтинг асосида** белгиланади.



[Барқарорлик рейтингини мезонлари бўйича ТУШУНТИРИШ](#)

- [1. Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПФ-39-Фармони.](#)
- [2. Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисидаги Низом. \(ВМҚ-55\)](#)
- [3. Тадбиркорлик субъектларига субсидиялар, имтиёзлар ва преференцияларни тақдим этиш тартибларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида \(ПҚ-193\)](#)
- [4. Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида \(ПФ-71-сон\)](#)
- [5. Саноат соҳасида нуфузли халқаро брендлар билан ҳамкорликни ривожлантириш ва миллий брендларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида \(ПҚ-286\)](#)
- [6. Саноат соҳасида миллий бренд эгалари ҳамда нуфузли халқаро брендлар ҳамкорларини Савдога кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида \(ВМҚ-748\)](#)

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ БАРҚАРОРЛИК РЕЙТИНГИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Юқори

AAA

96-100 баллар

AA

91-95 баллар

A

86-90 баллар

Ўрта

BBB

76-85 баллар

BB

66-75 баллар

B

56-65 баллар

Қониқарли

CCC

51-55 баллар

CC

36-50 баллар

C

26-35 баллар

Қуйи

D

25 баллгача

AAA

“AAA” (96-100) рейтингга эга бўлган тадбиркорлик субъектларига: фаолиятида солиқ текширувлари ўтказилмайди (*жиноий ишлар доирасида ўтказиладиган текширувлар мустасно*), шунингдек ушбу субъектларга қўшилган қиймат солиғи суммаси ўрнини қоплаш (*қайтариш*) **бир кун** муддатда **текширувларсиз** амалга оширилади.

AA

“AA” ва ундан юқори рейтингга эга бўлганларда: **4 ва 5-тоифа**даги туманларда фаолият юритаётган “AA” ва ундан юқори тоифадаги тадбиркорлик субъектларига бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган давлат активлари ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари бўйича камида **15 фоиз** миқдоридаги дастлабки тўлов бир йўла амалга оширилганда қолган суммага Марказий банкнинг асосий ставкаси миқдорида йиллик фоизлар ҳисобланмайди ҳамда бўлиб-бўлиб тўлаш **муддати 5 йилгача** узайтирилади.

A

“A” ва ундан юқори рейтингга эга бўлган тадбиркорлик субъектларига: барча солиқ турлари бўйича (қўшилган қиймат солиғи бундан мустасно) мавжуд ортиқча тўлов суммасини қайтариш уч кун муддатда амалга оширилади.

BBB

“BBB” ва ундан юқори рейтингга эга бўлган тадбиркорлик субъектларига: товарларни импорт қилишда ва товарларни (*хизматларни*) реализация қилишда тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммаларини **ўзаро ҳисобга олиш** имкониятини берувчи тартиб татбиқ этилади.

B

“B” ва ундан юқори рейтингга эга бўлган тадбиркорлик субъектларига: Субсидиялар, солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар (*қўллаб-қувватлаш чоралари*) уларнинг рейтинг даражасидан келиб чиққан ҳолда татбиқ этилади. (ПҚ-193)

! Мазкур рағбатлантириш чоралари давлат корхоналари ҳамда устав капиталида **50 фоиз** ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахсларга **татбиқ этилмайди**.

Рейтинг мезонлари даврийлиги

T/P	Кўрсаткич номи	Даврийлиги	Даврни янгилаш санаси	Балл
Умумий кўрсаткичлар				Жами: 100 балл
1	Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш давомийлиги	Йиллик	Ҳар куни	10 балл
2	ЕВІТА бўйича рентабеллик даражаси	Йиллик	Ҳар чорақда, кейинги ойнинг 21 санасида	10 балл
3	Ер участкалари ва (ёки) кўчмас мулк объектлари мавжудлиги	Ойлик	Ҳар куни	10 балл
4	Бир нафар ходимга тўғри келадиган иш ҳақи жамғармаси	Ойлик	Ҳар ойнинг 16 санасида	10 балл
5	Солиқ ҳисоботларининг белгиланган муддатларда тақдим этилиши	Ойлик	Ҳар ойнинг 16 санасида	10 балл
6	Ҳисобланган солиқларнинг белгиланган муддатларда тўланиши	Ойлик	Ҳар ойнинг 16 санасида	10 балл
7	Ҳисобланган солиқларнинг тўлов топшириқномаси орқали тўланганлиги	Ойлик	Ҳар ойнинг 1 санасида	10 балл
8	Электрон ҳисобварақ-фактураларни қонунчиликда белгиланган муддатларда расмийлаштириш ҳолати	Ойлик	Ҳар ойнинг 11 санасида	10 балл
9	Электрон ҳисобварақ-фактуралар орқали харид қилинган товарлар реализацияси	Йиллик	Ҳар ойнинг 21 санасида	10 балл
10	Солиқ органлари текширувидан олдинги таҳлил натижасида аниқлаган камчиликларнинг бартараф этилиш ҳолати	Кунлик	Ҳар кунлик	10 балл
Балларни камайтирувчи кўрсаткичлар				Жами: -55 балл
11	Жойлашган жой (почта манзили) ўзгариши	Йиллик	Ҳар куни	-5 балл
12	Тадбиркорлик субъекти раҳбарининг қўнимсизлиги	Йиллик	Ҳар куни	-5 балл
13	Тадбиркорлик субъекти таъсисчиси ёки раҳбарининг ишончсизлиги	Йиллик	Ҳар куни	-5 балл
14	Тақдим этилган солиқ ҳисоботларига тузатишлар солиқ тўловчининг ўзи томонидан мустақил киритилиши	Ойлик	Ҳар ойнинг 1 санасида	-5 балл
15	Қўшилган қиймат солиғи тўловчисининг махсус гувоҳномаси ҳолати	Кунлик	Ҳар куни	-10 балл
16	Солиқ қарзини мол-мулк ҳисобидан ундириш	Йиллик	Ҳар куни	-5 балл
17	Солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик чораларининг қўлланилганлиги	Йиллик	Кунлик (охириги 12 ой давомида)	-5 балл
18	Маҳсулотларнинг (товарлар ва хизматларнинг) идентификация кодларидан нотўғри фойдаланилганлиги	Ойлик	ҳар ойнинг 1 санасида	-5 балл
19	Тадбиркорлик субъектларининг кредиторлик қарздорлиги мавжудлиги	Йиллик	Ҳар куни	-10 балл
Қўшимча балл берувчи кўрсаткичлар				Жами: + 35 балл
20	Ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар бандлигини таъминлаш	Ойлик	Ҳар ойнинг 16 санасида	10 балл
21	Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан ортиқ иш ҳақи тўланаётган ходимлар сонининг кўпайиши	Ойлик	Ҳар ойнинг 16 санасида	15 балл
22	Қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисобланган солиқ суммасининг тегишли соҳа бўйича ўртача кўрсаткичга нисбати	Ойлик	Ҳар ойнинг 21 санасида	10 балл
23	Айланмадан олинadиган солиқ бўйича ҳисобланган солиқ суммасининг тегишли соҳа бўйича ўртача кўрсаткичга нисбати	Ойлик	Ҳар ойнинг 16 санасида	10 балл

Барқарорлик рейтинги мезонлари ишлаш тартиби

1 - мезон

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш давомийлиги (яшовчанлик даври)

Балларни
ҳисоблаш
шартлари



Давлат **рўйхатидан ўтган санаси** бўйича:

Фаолият кўрсатган ҳар бир йили учун **2 баллдан**;
5 йил ва ундан ортиқ йил учун **10 балл** берилади.

Бунда, тадбиркорлик субъектининг ҳаракатсиз ҳолатга ўтказилган даври **ҳисобга олинмайди**.



Узоқ муддат мунтазам фаолият юритиш.

Максимал балл **10 балл**

Кўрсаткичларни
янгиланиш даври

Ҳар куни

2 - мезон

ЕБИТДА бўйича рентабеллик даражаси

Балларни
ҳисоблаш
шартлари



Мезонни ҳисоблаш формуласи

- A) Жами даромад суммаси (1-илованинг 010-сатри);
- B) Жами харажат суммаси (2-илованинг 3-устун, 010-сатри);
- C) Фоиз тўловлари (2-илованинг 3-устун, 0113-сатри);
- D) Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси (2-илованинг 3-устун, 0106-сатри);
- F) Соф тушум (ҚҚСнинг 6-иловаси 010-сатридан Акциз солиғи чегирилган ҳолат);

ЕБИТДА бўйича рентабеллик даражаси

$$((A-B+C+D)/F*100).$$

ЕБИТДА **рентабеллик даражаси** субъектнинг соф фойдасига, фоиз тўловлари, амортизация ва фойда солиғи суммаси қўшилиб, соф тушумга бўлиш ва 100 га кўпайтириш орқали **аниқланади**.

ЕБИТДА рентабеллик даражаси субъект фаолият кўрсатаётган соҳа корхоналарининг **ўртача кўрсаткичидан** келиб чиқиб балл берилади.

Ўртачадан паст бўлса — **балл берилмайди**.

Бунда, тегишли ҳудуддаги иқтисодий фаолият тури бўйича тадбиркорлик субъекти ягона бўлган ҳолларда мазкур мезонни ҳисоблашда ҳудудни ўртача кўрсаткичи билан **солиштирилади**.



Соф фойдани реал ошириш орқали субъектнинг **рентабеллик** даражасини кўтариш.

Максимал балл **10 балл**

Кўрсаткичларни
янгилаш даври

Ҳар чорақда, кейинги ойнинг 21 санасидан бошлаб жорий ойдаги мажбуриятлар бўйича, йиллик солиқ ҳисоботлар бўйича кейинги йил **биринчи март** куни (*қайта ҳисоботлар бўйича ҳар куни*) янгиланади.

Барқарорлик рейтинги мезонлари ишлаш тартиби

3 - мезон

Ер участкалари ёки кўчмас мулк объектлари мавжудлиги

Балларни
ҳисоблаш
шартлари



Субъект эгалигида **нотура**р кўчмас мулк объектлари мавжуд бўлса — **10 балл**, ижара асосида фойдаланилаётган бўлса — **7 балл** берилади.

Бунда, **оилавий корхона** иштирокчи ва **адвокатлик бюросини** таъсис этган адвокатга тегишли турар жойлар ҳам ҳисобга олинади.

Агар **нотура**р кўчмас мулк объектлари **мавжуд бўлмаса** (ер участкаси мавжуд бўлган тақдирда ҳам), шунингдек, тадбиркорлик субъекти у кўрсатилган **манзилда** фаолият юритмаётган бўлса — **5 балл** чегирилади.

! **Нотура**р объектларни мулк ёки ижара ҳуқуқи асосида ҳисобга қўйиш, шунингдек, эгалигидаги ер ва мол-мулк объектлари бўйича **солиқ ҳисоботларини** тақдим этган бўлса балл берилади.

5-мезон иловасида тақдим этилмаган солиқ ҳисоботларини **юклаб олиш** мумкин.

Турар объектларни мулк ёки ижара ҳуқуқи асосида ҳисобга қўйилганда **5 балл** чегирилади.

Максимал балл **10 балл**

Кўрсаткичларни
янгилаш даври

Ҳар куни

Барқарорлик рейтинги мезонлари ишлаш тартиби

4 - мезон

Бир нафар ходимга тўғри келадиган иш ҳақи жамғармаси

Балларни ҳисоблаш шартлари



Жорий йилда ҳар бир ходимнинг ишлаган давридан келиб чиқиб, бир нафар ходимга ҳисобланган ўртача иш ҳақи суммаси меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдоридан келиб чиқиб **балл** берилади;

бир нафар ходимга ҳисобланган ўртача иш ҳақи суммаси (01.10.2024дан МҲТЭКМ 1 155 000 сўм)дан **кам бўлса** — **5 балл** чегирилади;
ишчи ходимлар сони **ўтган ойга нисбатан 10 фоиздан ортиқ** камайган ҳолларда **балл** берилмайди.

Ходимларни легаллаштириш ва иш ҳақи жамғармасини ошириб бориш.

Мазкур мезонда охириги ҳисобот даврида (*ўтган ойда*) ишлаган ходимларнинг йил бошидан ҳисобланган иш ҳақи суммаси ўртачаси олиниб, бир ойлик иш ҳақи жамғармаси аниқланади ҳамда ходим сонига бўлиш орқали **бир нафар ходимга** ҳисобланган иш ҳақи суммаси маълум бўлади.

Бунда, бир нафар ходимга тўғри келадиган иш ҳақи меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори (МҲТЭКМ)дан **ортиқ** бўлишини таъминлаш.

Максимал балл **10 балл**

Кўрсаткичларни
янгилаш даври

Ҳар ойнинг 16 санасидан бошлаб ўтган ой ҳисоботи бўйича (қайта ҳисоботлар бўйича ҳар куни) янгиланади.

Барқарорлик рейтинг мезонлари ишлаш тартиби

5 - мезон

Солиқ ҳисоботларининг белгиланган муддатларда тақдим этилиши

Балларни ҳисоблаш шартлари



Барча солиқ турлари бўйича солиқ ҳисоботлари белгиланган муддатларда тақдим этилган бўлса — **10 балл** берилади;
ҳисобот кечиктириб тақдим этилганда ёки тақдим этилмаганда — балл берилмайди.

Бунда, даъво муддати (3 йил) даврида тақдим этилиши лозим бўлган ҳисоботлар инobatга олинади.

Солиқ мажбуриятлари бўйича барча **солиқ ҳисоботларини** ўз вақтида тақдим этиб бориш.

Тақдим этилмаган солиқ ҳисоботларини [Иловани юклаш](#) орқали кўриш мумкин. Шунингдек, “Solliq” мобил иловасидаги “Solliq biznes” хизмати орқали аниқлаш мумкин.

Максимал балл **10 балл**

Кўрсаткичларни
янгилаш даври

Ҳар ойнинг 16 санасидан бошлаб *ўтган ой ҳисоботи топшириш* мажбуриятлар (*қайта ҳисоботлар бўйича ҳар куни*) бўйича янгиланади.

Барқарорлик рейтинги мезонлари ишлаш тартиби

6 - мезон

Ҳисобланган солиқларнинг белгиланган муддатларда тўланиши

Балларни
ҳисоблаш
шартлари



Ҳисобланган солиқларнинг белгиланган муддатларда тўланган бўлса — **10 балл** берилади; кечиктириб тўланганда ёки тўланмаганда — балл берилмайди.

Бунда ҳар ойда ҳисобланган ва тўлов муддати келган солиқ суммаси инobatга олинади.

Солиқ қарзи **(пеня билан бирга)**, тўланиши лозим бўлган жорий тўловлар **(фойда, мулк, сув солиғи)** ҳамда кечиктириб тўланган солиқ суммаси **мавжуд бўлганда** балл берилмайди.



Тўланиши лозим бўлган солиқларни белгиланган муддатда тўлаш.

Максимал балл **10 балл**

Кўрсаткичларни
янгилаш даври

Ҳар ойнинг 16 санасидан бошлаб жорий ой маълумотлари бўйича янгиланади.

Барқарорлик рейтинги мезонлари ишлаш тартиби

7 - мезон

Ҳисобланган солиқларнинг инкассо орқали тўланганлиги

Балларни
ҳисоблаш
шартлари

Ҳисобланган солиқлар топшириқномаси орқали тўланган бўлса — **10 балл** берилади,
Солиқ қарзи мавжуд бўлса **балл берилмайди**;

Солиқ органининг инкассо топшириқномаси орқали ундирилган бўлса — **5 балл** чегирилади.



Ҳисобланган солиқ суммаларини белгиланган муддатгача **тўлов топшириқномалари** орқали тўловларни амалга ошириш


Максимал балл **10 балл**Кўрсаткичларни
янгилаш давриҲар ойнинг 1 санасидан бошлаб **жорий ой**
маълумотлари бўйича янгиланади.

Барқарорлик рейтинги мезонлари ишлаш тартиби

8 - мезон

ЭХФларни қонунчиликда белгиланган муддатларда расмийлаштириш ҳолати

Балларни
ҳисоблаш
шартлари



(1) Жами ЭХФларга нисбатан товарлар жўнатилган (*хизматлар кўрсатилган*) санада расмийлаштирилган **ЭХФлар улуши** ва (2) тўлов терминали орқали ҳисоб-китобларга нисбатан расмийлаштирилмаган **ОНКТчеклари** улуши келиб чиқиб **балл берилади**;

(1) ЭХФ ва чеклар расмийлаштирилмаганда ва (2) «Солиқ ҳамкор» тизими орқали солиққа оид ҳуқуқбузарлик факти бўйича **мурожаат** келиб тушган тақдирда — **балл берилмайди**.

Нақд ва терминал орқали амалга оширилган савдо тушуми билан онлайн назорат касса машинасига кирим қилинган савдо тушумида **тафовут** аниқланганда шу ой учун — **5 балл чегирилади**.

! Товар (хизмат) реализацияси бўйича ЭХФларни қонунчиликда белгиланган муддатларда ва савдо тушумлари бўйича **онлайн назорат касса техникаси чекларини** тўлиқ расмийлаштириб бориш ҳамда ҳисобварақ-фактура товарлар орқали жўнатилган (*топширилган*) ёки хизматлар кўрсатилган **календарь санада** расмийлаштирилган бўлиши лозим. Яъни фактура санаси билан имзолаш (sysdate) санаси бир хил бўлиши муҳим.

Максимал балл **10 балл**

Кўрсаткичларни
янгилашиш даври

Ҳар ойнинг 11 санасидан бошлаб **ўтган ҳисобот даври** учун ёзилган ЭХФ, экспорт хажми, ОНKM, маркетплейс чеклари маълумотлари бўйича янгиланади.

Барқарорлик рейтинги мезонлари ишлаш тартиби

9 - мезон

ЭХФ орқали харид қилинган товарлар реализацияси

Балларни
ҳисоблаш
шартлари

Йил бошига ТМЗ қолдиғи + Йил давомида ЭХФ орқали харид қилинган (шу жумладан, импорт) товарлар ёки хомашё суммасига нисбатан реализация (шу жумладан, ЭХФ орқали+экспорт сумма+ОНКМ орқали+маркетплейс орқали) суммаси:

70 фоиздан кўп бўлганда — **10 балл.**

50 фоиздан 70 фоизгача бўлганда — **5 балл** берилади.

Йил давомида 70 фоиздан ортиқ харид қилинган товарлар ёки хомашё қолдиқда қолганда — **5 балл чегирилади.**



! Йил давомида харид қилинган товарларни камида 50 фоиздан ортиқ қисмини **реализация** қилиб бориш.

Максимал балл **10 балл**

Кўрсаткичларни
янгиланиш даври

Ҳар ойнинг 21 санасидан бошлаб ўтган ҳисобот
давридаги маълумотлар бўйича янгиланади.

Барқарорлик рейтинги мезонлари ишлаш тартиби

10 - мезон

Автокамерал таҳлили ва камерал солиқ текширувида аниқлаган камчиликларни бартараф этилиши

Балларни
ҳисоблаш
шартлари

Солиқ органлари **текширувдан олдинги таҳлил** ва камерал солиқ текшируви натижасида камчилик аниқланмаган ёки асослантирилган ёхуд аниқлаган камчиликлар бартараф этилган бўлса — **10 балл** берилади;

камчиликлар бартараф этилмаган ёки келтирилган камчиликларнинг мавжуд эмаслиги асослантирилмаган бўлса — **5 балл чегирилади.**



Автокамерал автоматлаштирилган ахборот тизими ва камерал солиқ текшируви орқали **аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш** ёки **асослантириш.**

Максимал балл **10 балл**

Кўрсаткичларни
янгиланиш даври

Ҳар куни аниқланган камчиликларнинг бартараф этилиши ёки асослантирилишидан келиб чиқиб янгиланади.

Барқарорлик рейтинги мезонлари ишлаш тартиби

11 - мезон

Жойлашган жой (почта манзили) ўзгариши

Балларни
ҳисоблаш
шартлари



Тадбиркорлик субъекти **жойлашган жойи** (почта манзили) охириги 12 ой давомида 3 ва ундан кўп мартаба ўзгартирилган бўлса, баллар йиғиндисидан **5 балл чегирилади**.



Зарурат бўлмаганда рўйхатдан ўтказилган **юридик манзилни** ўзгартирмаслик.

Максимал балл **-5 балл**

Кўрсаткичларни
янгиланиш даври

Ҳар куни охириги 12 ойлик маълумотлар бўйича янгиланади.

Барқарорлик рейтинги мезонлари ишлаш тартиби

12 - мезон

Раҳбарнинг қўнимсизлиги

Балларни
ҳисоблаш
шартлари

Охириги 12 ой давомида тадбиркорлик субъекти раҳбари 3 ва ундан кўп маротаба **ўзгартирилган** бўлса, баллар йиғиндисидан **5 балл чегирилади.**



Зарурат бўлмаганда корхона **раҳбарини ўзгартирмаслик.**

Максимал балл **-5 балл**

Кўрсаткичларни
янгиланиш даври

Ҳар куни охириги 12 ойлик маълумотлар бўйича янгиланади.

Барқарорлик рейтинги мезонлари ишлаш тартиби

13 - мезон

Таъсисчиси ёки раҳбарнинг ишончсизлиги

Балларни
ҳисоблаш
шартлари



Субъектнинг таъсисчиси ёки раҳбари охириги 36 ой давомида **жиноий жавобгарликка тортилган ёки банкротлик асосида тугатилган корхонага** раҳбарлик қилган бўлса, баллар йиғиндисидан **5 балл чегирилади.**

Таъсисчи ёки раҳбар фаолияти давомида корхонани **банкротлик** ҳолатига олиб келмаслик ҳамда қўпол **камчиликларга** йўл қўймаслик.

Максимал балл **-5 балл**

Кўрсаткичларни
янгилашиш даври

Ҳар куни (охириги 36 ойлик маълумотлар бўйича) янгиланади.

Барқарорлик рейтинги мезонлари ишлаш тартиби

14 - мезон

Солиқ ҳисоботларига тузатишлар киритилиши

Аввал тақдим этилган солиқ ҳисоботларига:

Балларни
ҳисоблаш
шартлари

бир мартаба ўзгартириш киритилган бўлса — **1 балл**;
икки мартаба ўзгартириш киритилган бўлса — **2 балл**;
уч мартаба ўзгартириш киритилган бўлса — **3 балл**;
тўрт мартаба ўзгартириш киритилган бўлса — **4 балл**;
беш ва ундан ортиқ ўзгартиришлар киритилган бўлса — **5 балл чегирилади.**

Бунда, бир солиқ даври учун ўсиб борувчи якуни билан топширилган аниқлаштирилган солиқ ҳисоботлари бир мартаба тақдим этилган деб ҳисобланади.



Солиқ мажбурияти бўйича тақдим этилиши лозим бўлган **ҳисобот кўрсаткичларини** ўз вақтида камчиликларга йўл қўймасдан тўғри тақдим этиб бориш.

Максимал балл **-5 балл**

Кўрсаткичларни
янгиланиш даври

Ҳар куни жорий ойнинг 1 санасидан бошлаб ҳар куни янгиланади.

Барқарорлик рейтинги мезонлари ишлаш тартиби

15 - мезон

ҚҚС тўловчисининг махсус гувоҳномаси ҳолати

Балларни
ҳисоблаш
шартлари



ҚҚС тўловчисининг **махсус гувоҳномаси** бекор қилинган ёки тўхтатилган тақдирда, баллар йиғиндисидан **10 балл чегирилади**.

ҚҚС гувоҳномаси доим **фаол** ҳолатда бўлишини таъминлаш.

Максимал балл **-10 балл**

Кўрсаткичларни
янгиланиш даври

Ҳар куни гувоҳнома ҳолати бўйича янгиланади.

Барқарорлик рейтинги мезонлари ишлаш тартиби

16 - мезон

Солиқ қарзини мол-мулк ҳисобидан ундириш

Балларни
ҳисоблаш
шартлари



Субъектининг солиқ қарзини ундириш унинг мол-мулкига қаратилган бўлса, баллар йиғиндисидан **5 балл чегирилади.**

Бунда солиқ қарзи **тўлиқ тўлангандан** кейин камайтирилган баллар **олиб ташланади.**

Ҳисобланган солиқларни **белгиланган муддатида** тўлаб бориш.

Максимал балл **-5 балл**

Кўрсаткичларни
янгиланиш даври

Ҳар куни солиқ қарзини ундирилиши бўйича янгиланади.

Барқарорлик рейтинг мезонлари ишлаш тартиби

17 - мезон

Солиқ ва божхонага оид маъмурий, жиноий ва бошқа жавобгарлик чоралари қўлланилганлиги

Балларни ҳисоблаш шартлари

Субъектнинг мансабдор шахсларига нисбатан охириги 12 ойда **солиқ** ва **божхонага** оид ҳуқуқбузарликлар учун:

маъмурий жавобгарлик қўлланилган бўлса — **2 балл**;
жиноий жавобгарлик қўлланилган бўлса — **5 балл** чегирилади.

Бунда, жавобгарлик белгиланган тартибда **бекор қилинган** ёки жиноят иши **тугатилган** ёки оқлов ҳукми чиқарилганда **чегирилган** баллар олиб ташланади.



Субъектнинг **мансабдор шахслари** фаолияти давомида **мажбуриятларини** ўз вақтида бажариш.

Максимал балл **-5 балл**

Кўрсаткичларни
янгиланиш даври

Ҳар куни охириги 12 ойлик маълумотлар бўйича янгиланади.

Барқарорлик рейтинги мезонлари ишлаш тартиби

18 - мезон

МХИК кодларидан нотўғри фойдаланилганлиги

Балларни
ҳисоблаш
шартлари

Бир ойда камида 2 мартаба **ЭХФ** ёки **НКТ** чекларида олинган товарлар (хизматлар)га ёхуд субъект фаолиятига хос бўлмаган **МХИКларни акс эттирилганлиги** аниқланганда, баллар йиғиндисидан **5 балл чегирилади**.



Товар (хизмат) реализацияси бўйича МХИКларни **солиқ базасида мавжуд кодлар** бўйича акс эттириш.

Максимал балл **-5 балл**

Кўрсаткичларни
янгилаш даври

Ҳар куни жорий ойнинг 1 санасидан бошлаб ҳар куни янгиланади.

Барқарорлик рейтинги мезонлари ишлаш тартиби

19 - мезон

Субъектнинг кредиторлик қарздорлиги мавжудлиги

Балларни
ҳисоблаш
шартлари



Охирги 12 ойда кредиторлар томонидан 2 ва ундан ортиқ марта **судга даъво** аризалари киритилган ва қаноатлантирилган бўлса, баллар йиғиндисидан **10 балл чегирилади.**

Кредитор қарздорликка йўл қўймаслик чораларини кўриш.

Максимал балл **-10 балл**

Кўрсаткичларни
янгиланиш даври

Ҳар куни охирги 12 ойлик маълумотлар бўйича янгиланади.

Барқарорлик рейтинги мезонлари ишлаш тартиби

20 - мезон

Ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар бандлигини таъминлаш

Балларни
ҳисоблаш
шартлари

Субъект ходимларининг умумий сонида «Ягона ижтимоий реестр», «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»га киритилган, ногиронлиги бўлган ва МҲТЭКМдан ортиқ иш ҳақи ҳисобланган шахслар улуши:

20 фоиздан юқори бўлганда — **10 балл**;

10 фоиздан 20 фоизгача бўлганда — **5 балл** берилади.



“Ягона ижтимоий реестр”, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилган ва ногиронлиги бўлган **шахслар бандлигини таъминлаб**, МҲТЭКМдан ортиқ иш ҳақи ҳисоблаш ва тўлаш.

Максимал балл **10 балл**Кўрсаткичларни
янгилаш давриҲар ойнинг 16 санасидан бошлаб жорий ойдаги мажбуриятлар
бўйича янгиланади.

Барқарорлик рейтинги мезонлари ишлаш тартиби

21 - мезон

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан ортиқ иш ҳақи тўланаётган ходимлар сонининг кўпайиши

Балларни
ҳисоблаш
шартлари



МҲТЭКМдан ортиқ иш ҳақи олган ходимларнинг **йиллик ўртача сонини** ўтган йилнинг мос даврига (*12 ой олдинги ҳисобот оyi*) нисбатан ошириб бориш:

- 50 фоиз ва ундан юқори бўлса — **15 балл**,
- 40 — 50 фоизгача бўлса — **10 балл**,
- 30 — 40 фоизгача бўлса — **8 балл**,
- 20 — 30 фоизгача бўлса — **6 балл**,
- 10 — 20 фоизгача бўлса — **4 балл**,
- 1 — 10 фоизгача бўлса — **2 балл** берилади.

Янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари учун ушбу кўрсаткич фаолият даврининг иккинчи ойдан бошлаб ўтган ойга нисбатан **солиштирилади**.



Ходимлар сонини ошириш ва уларга МҲТЭКМдан ортиқ иш ҳақи ҳисоблаб тўлаш.

Мазкур мезонда охириги 12 ойлик ҳисобот даврида МҲТЭКМдан ортиқ иш ҳақи олган ходимлар сони ҳар бир ой бўйича йиғиб чиқилади ва ойлар сонига бўлиш орқали **йиллик ўртача** сони аниқланади.

Максимал балл **15 балл**

Кўрсаткичларни
янгилаш даври

Ҳар ойнинг 16 санасидан бошлаб жорий ойдаги мажбуриятлар бўйича янгиланади.

Барқарорлик рейтинги мезонлари ишлаш тартиби

22 - мезон

ҚҚС бўйича ҳисобланган солиқ суммасининг тегишли соҳа бўйича ўртача кўрсаткичга нисбати

Субъект томонидан:

Балларни
ҳисоблаш
шартлари

1) бир ойда ҳисобланган ва тўланган **ҚҚС суммаси** у фаолият юритаётган соҳа бўйича тегишли ҳудудда ўртача ҳисобланган ҚҚС суммасидан **1,1 баробар** юқори бўлса;

2) экспорт қилишдан олинган даромадлар жами даромаднинг **камида 50 фоизини** ташкил этса — **10 балл** берилади.

Бунда, ҳар ойда (соҳа бўйича ўртача ҳисобланган ҚҚС суммаси+БҲМнинг **10 бароваридан** (3750000 сўм)= йиғиндисидан кам бўлмаслиги лозим.



Экспорт улушини ошириш ёки реализация ҳажмини солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттириш орқали **ҚҚС суммасини ошириб** бориш.

Максимал балл **10 балл**

**Кўрсаткичларни
янгилаш даври**

Ҳар ойнинг 21 санасидан бошлаб жорий ойдаги мажбуриятлар бўйича янгиланади.

Барқарорлик рейтинги мезонлари ишлаш тартиби

23 - мезон

АОС бўйича ҳисобланган солиқ суммасининг тегишли соҳа бўйича ўртача кўрсаткичга нисбати

Субъекти томонидан;

Балларни
ҳисоблаш
шартлари

1) бир ойда тўланган **АОС суммаси** у фаолият юритаётган соҳа бўйича тегишли ҳудудда ўртача ҳисобланган АОС суммасидан **1,1 баробар** юқори бўлса;

2) экспорт қилишдан олинган даромадлар жами даромаднинг **камида 50 фоизини** ташкил этса — **10 балл** берилади.

Бунда, ҳар ойда (соҳа бўйича ўртача ҳисобланган АОС суммаси+БҲМнинг **10 бароваридан** (3750000 сўм)= йиғиндисидан кам бўлмаслиги лозим.



Экспорт улушини ошириш ёки реализация ҳажмини солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттириш орқали **АОС суммасини ошириб** бориш.

Максимал балл **10 балл**

**Кўрсаткичларни
янгиланиш даври**

Ҳар ойнинг 16 санасидан бошлаб жорий ойдаги мажбуриятлар бўйича янгиланади.